



## Professional in the modern education system the essence and structure of communicative competence

Mukarram AKHMEDOVA<sup>1</sup>, Nargiza ASKAROVA<sup>2</sup>, Diyorahon ANVAROVA<sup>3</sup>

Tashkent Medical Academy

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received January 2021

Received in revised form

30 January 2022

Accepted 20 February 2022

Available online

15 March 2022

**Keywords:**

communicative competence,  
quality,  
free,  
active,  
independent thinking,  
educational process,  
modeling,  
professional communicative  
competence,  
essence,  
structure,  
method,  
form,  
tool.

### ABSTRACT

In this article, the main attention is paid to the quality of the communicative competence of future teachers. Namely, the ability to think freely, actively, independently, to model the educational process. And also, the ability to independently create and implement new ideas and technologies of education.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss2/S-pp47-51>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Замонавий таълим тизимида касбий коммуникатив компетентлиликнинг моҳияти ва тузилмаси

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

коммуникатив  
компетентлилик,  
сифат,  
эркин,  
фаол,

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлилик сифатини, эркин, фаол, мустақил фикрлай олиш, ўқув-тарбиявий жараёни моделлаштири олиш, шунингдек, таълим-тарбиянинг янги ғоя ва технологияларини мустақил яратиш ҳамда уларни татбиқ эта олиш

<sup>1</sup> Associate Professor of "Pedagogy and Psychology" Tashkent Medical Academy. Tashkent, Uzbekistan.

<sup>2</sup> Senior Lecturer of "Pedagogy and Psychology" Tashkent Medical Academy. Tashkent, Uzbekistan.

<sup>3</sup> Student of the Faculty of Biomedical Engineering, Tashkent Medical Academy. Tashkent, Uzbekistan.

мустақил фикрлай олиш,  
ўқув-тарбиявий жараён,  
моделлаштира олиш,  
касбий коммуникатив  
компетентлилик,  
моҳият,  
тузилма,  
метод,  
шакл,  
восита.

кўникмаларини шакллантиришга қаратилган бўлиб,  
замонавий таълим тизимида касбий коммуникатив  
компетентлиликнинг моҳияти ва тузилмаси ёритиб  
берилган.

## **Профессиональная сущность и структура коммуникативной компетенции в современной системе образования**

### **АННОТАЦИЯ**

#### **Ключевые слова:**

коммуникативная  
компетентность,  
качество,  
свободное,  
активное,  
самостоятельное  
мышление,  
учебный процесс,  
моделирование,  
профессиональная  
коммуникативная  
компетентность,  
сущность,  
структура,  
метод,  
форма,  
инструмент.

В данной статье, основное внимание уделяется качеству коммуникативной компетентности будущих учителей. А именно, способности свободно, активно, самостоятельно мыслить, моделировать образовательный процесс. А также, способности самостоятельно создавать и реализовывать новые идеи и технологии образования.

Бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлилик сифатини, эркин, фаол, мустақил фикрлай олиш, ўқув-тарбиявий жараённи моделлаштира олиш, шунингдек, таълим-тарбиянинг янги ғоя ва технологияларини мустақил яратиш ҳамда уларни татбиқ эта олиш кўникмаларини шакллантириш муаммоси бугунги кунда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароитларда, айниқса, долзарб ҳисобланади. Ўқитувчининг етук мутахассис сифатидаги коммуникатив компетентлигини ривожлантириш ўсиб келаётган ёшларни меҳнат фаолиятларида ўз ўрнини топишларига, сифатли таълим олишларига, шахслараро ижтимоий-маданий мулоқотларини шакллантиришга ёрдам бериши керак, бироқ бунда энг муҳими – шахсни талабга тўла жавоб берадиган даражада ривожлантириш ва унинг ўз имкониятларини амалга ошириши учун зарурий шароитларни яратиш долзарб муаммодир. Айнан шунинг учун педагоглар тайёрлаш таълим жараёнининг асосий вазифаси бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик тайёргарлигининг ажралмас қисми бўлган коммуникатив компетентликини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

“Коммуникация” сўзи лотинча “**communico**” сўздан олинган бўлиб, “умумий қиляпман, боғляпман, муомала қиляпман” деган маъноларни англатади. “Коммуникация” сўзи билан ўзакдош бўлган “**коммуникабеллик**” – “**муомала қилишга лаёқати бор**” маъносида, “**коммуникабел**” – “**киришимли, дилкаш**” маъносини билдиради, шунингдек, “**коммуникатив**”, яъни “**коммуникацияга оид**” каби маъноларни англатади. Коммуникация – бу, биринчи навбатда, фаолият усули бўлиб, у инсонларнинг ўзаро муомалага мослашишини намоён қилади. Демак, коммуникация ўзига хос ўзаро фикр алмашиш жараёни сифатида қабул қилиниши мумкин, бунинг натижасида ўзаро ёрдам кўрсатиш ва мураккабликнинг турли даражаларидаги ҳаракатлар мувофиқлиги таъминланади. Шунингдек, коммуникацияни мулоқотнинг таркибий қисмларидан бири сифатида белгилаш мумкин. Е.Н. Зарецкаянинг фикрича, коммуникатив фаолият маълум тартибда амалга оширилувчи изчил ҳаракатлар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири хусусий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ва муомала мақсади томон қўйилган ўзига хос “қадам” сифатида кўриб чиқилиши мумкин”. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, юқорида номлари келтирилган тадқиқотчилар, инсон нутқи иштирокидаги **вербал коммуникация** ҳамда нутққа оид бўлмаган турли белгилар ва рамзлар воситасидаги **новербал коммуникацияларни** фарқлайдилар. Маълумки, нутқ коммуникациянинг энг универсал воситаси ҳисобланади, чунки нутқ орқали маълумот узатилганда, унинг маъноси камроқ йўқотилади. Айнан нутқ ёрдамида маълумотни кодлаштириш ва мос равишда декодлаш мумкин: коммуникатор нутқий хабар жараёнида ушбу маълумот кодини очади. Бунда билдирилган фикр тингловчилар томонидан аниқ тушунилганлиги коммуникатор учун фақат “коммуникатив роллар” алмашиши содир бўлаётганда аниқ бўлиши мумкин.

**Компетенция** (лот.: *competentia* – тегишли, оид, алоқадор, мос, мувофиқ келиш) термини маълум соҳага оид билим, малака ва кўникмалар, тажрибани англатади. *Коммуникатив компетенция* – шахс томонидан тил ва нутқ маданиятини билиш асосида шакллантирилган турли коммуникатив ҳодиса ва вазиятлардаги нутқий ахлоқ тизимидир. “Бу тизим таркибига коммуникатив ролларни (сўзловчи ва тингловчи), шунингдек, ижтимоий ролларни, нутқ стратегия ва тактикаларини, этика ва одоб-ахлоқ қоидаларини эгаллаш киради, уларда ушбу маданиятда қабул қилинган шахснинг турли ижтимоий гуруҳ вакиллари билан ҳар хил сабаб ва вазиятларда алоқада бўлиш усуллари ифодаланади” (Т.В. Матвеева). Ҳозирда “Европа учун таянч компетенциялар” деб номланган Европа кенгаши симпозиумида белгиланган таянч компетенциялар қуйидагилар: **ўрганиши керак** – тажрибадан аҳамиятга эга хулоса чиқариш; эгаллаган билимларини ўзаро боғлай олиш, уларни тартиблаштириш; ўзига мос келадиган ўрганиш усулларини аниқлаш; муаммоларни еча олиш; **излаш** – мустақил билим олиш билан шуғулланиш; турли маълумотлар базасини излаш; теварак-атрофдан суриштириш; экспертдан маслаҳат олиш; ахборот олиш; ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни туркумлаш; **мулоҳаза юритиш** – ўтган ва ҳозирги воқеалар орасидаги ўзаро боғлиқликни топиш; жамият ривожланишининг у ёки бу жиҳатларига танқидий ёндашиш; мураккаблик ва ўзига бўлган ишонч йўқолишига қарши турмоқ; баҳслашувларда ўз позициясини эгаллаш ва шахсий нуқтаи назарига эга бўлиш; ўқиётган ва ишлаётган жойдаги

сиёсий ва иқтисодий муҳитнинг муҳимлигини англаш; саломатлик, истеъмол қилиш, тасвирий санъат ва адабий асарларни баҳолай билиш; **ҳамкорлик қилиш** – гуруҳда ишлаш ва ҳамкорлик қила олиш; қарорлар қабул қилиш –англашил-мовчилик ва жанжалларни бартараф этиш; келиша олиш; шартномаларни ишлаб чиқиш ва бажариш; **фаолиятга киришиш** – лойиҳада қатнашиш; жавобгарликни зиммасига олиш; гуруҳга ёки жамоага кириш ҳамда ўз ҳиссасини қўшиш; ҳамкор эканлигини исботлаш; ўз ишини ташкил қила билиш; ҳисоблаш ва моделлаштириш техникаларидан фойдалана билиш; **кўникиш** – янги ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдалана олиш; тез ўзгаришлар олдида мослашувчанлигини исботлаш; янги ечимларни топа билиш. *Нидерландияда ўқувчиларда қуйидаги компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган таълим тизими яратилган:*

– келажакка интилиш кўникмаларини ривожлантиришни мўлжал қиладиган стратегик компетенция; ўрганилаётган ўқув фани хусусиятига доир бўлган билим ва малакалар билан боғлиқ предмет компетенциялари; мазмуни жиҳатидан бошқариш малакаларидан иборат бўлган методик компетенция; асосий таркиби ҳамкорлик малакалари, танқидни қабул қилиш, қайта алоқа ўрнатиш; ахлоқий-маданий компетенция бўлган ижтимоий-компетенция. Улар касбий мулоқотлар, мотивация, натижага эришиш учун тайёр бўлиш ва ўқув малакалари, рефлексияни ривожлантиришни белгилайдиган ўқув компетенцияларини ўз ичига олади.

**Ижтимоий компетенцияларга** коммуникативлик, жамоада ишлай олиш, конфликтларни бартараф қила олиш, бошқаларни тушуниш, киришимлилик, ижтимоий жавобгарлик киради. Британия мактабларида олти таянч компетенциялар асос сифатида олинган. Уларни шартли равишда бир нечта гуруҳларга бирлаштириш мумкин; **асосий компетенциялар** – мулоқотга киришиш; ҳисоб-китоблар юритиш; ахборот саводхонлиги; **кенг кўламли таянч компетенциялар** – бошқалар билан ишлай олиш; билим олиш ва такомиллашиш малакаси; турли масала ва муаммоларни ечиш кўникмаси. Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, замонавий таълим тизимида касбий коммуникатив компетентлилик бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив компетентлилик сифатини, эркин, фаол, мустақил фикрлай олиш, ўқув-тарбиявий жараёни моделлаштира олиш, шунингдек таълим-тарбиянинг янги ғоя ва технологияларини мустақил яратиш ҳамда уларни татбиқ эта олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилгандир. Демак, “касбий компетентлилик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олиниши” дир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Allayarova, Solikha Narzulloevna, (2020) “Use of pedagogical technologies IN the teaching process of higher education (in the example of Uzbekistan)”, Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2: ISS. 7, Article 61.
2. (2020). Improvement of the methodology for the future teachers’ professional competence development. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(9), 2372–2380.

3. Н.А. Аскарова, З.И. Сайфуллаева. Эффективность использования интерактивных методов обучения. *current issues of science, prospects and challenges. international scientific.* 17 december, 2021. sydney, australia.

4. A.N. Abdivalieva. Psychological features of adaptation of students abroad. *Innovative Society: Problems, Analysis and ...*, 2022.

5. Abdivalieva A.N. Psychodiagnostics of children with attention deficiency syndrome and hyperactivity // *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal.* – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 2352–2355.

6. Melibayeva R.N. et al. Psychological mechanisms of development students' creative thinking // *International journal of scientific & technology research.* – 2020. – Т. 9. – №. 03.

7. Melibaeva R.N. Status and Prospects of Medical Psycho-Diagnostics in Uzbekistan // *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding.* – 2021. – Т. 8. – №. 12. – С. 555–565.

8. Narmetova Y.K. Organization of the psychological support in the cardiology clinics // *Theoretical & Applied Science.* – 2016. – №. 7. – С. 28–31.

9. Narmetova Y., Kuldosheva G., Bekmirov T. The Psychological Services Role in the Psychodiagnostics and Psychocorrection of Psychosomatic Patients in the Psychoemotional Situation // *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding.* – 2021. – Т. 8. – №. 12. – С. 249–256.